

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАЙМУРАДОВ РАВШАН РАДЖАБОВИЧ

УРУҒДОНЛАРНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
НУР КАСАЛЛИГИДА БИОСТИМУЛЯТОР ТАЪСИРИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАРИ

14.00.02 – Морфология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Баймурадов Равшан Раджабович

Уруғдонларнинг морфофункционал хусусиятлари ва нур касаллигида биостимулятор таъсиридаги ўзгаришлари..... 3

Баймурадов Равшан Раджабович

Морфофункциональные особенности семенников в норме и при воздействии биостимулятора на фоне лучевой болезни..... 21

Baymuradov Ravshan Radjabovich

Morphofunctional features of the testes in normal conditions and under the expose of biostimulator on the background of radiation sickness 39

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works 43

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАЙМУРАДОВ РАВШАН РАДЖАБОВИЧ

УРУҒДОНЛАРНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
НУР КАСАЛЛИГИДА БИОСТИМУЛЯТОР ТАЪСИРИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАРИ

14.00.02 – Морфология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib829 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Тешаев Шухрат Жумаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	Курбонов Саид Сафарович тиббиёт фанлари доктори, профессор (Тожикистон Республикаси) Расулов Хамидулла Абдуллаевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот	Н.И.Пирогов номидаги Винница миллий тиббиёт университети (Украина)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» июл куни соат 12³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (023 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2021 йил «7» июл куни тарқатилди.
(2021 йил «7» июл даги 08 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «...дунё миқёсида оилаларнинг 9% и репродуктив муаммоларга дуч келади ва айнан эркаклардаги патологиялар уларнинг 50% ини келтириб чиқаради...»¹. Эркакларнинг бепуштлиги генетик мутациялардан тортиб, турмуш тарзи, турли кимёвий ва физик омилларнинг таъсирига қадар кўплаб сабабларни қамраб олади. Ушбу омиллар орасида ионлаштирувчи нурланиш алоҳида ўрин тутди, чунки у организмдаги метаболизм мувозанатини ишдан чиқаради ва нурланишга нисбатан юқори сезгирликка эга репродуктив тизим аъзоларида сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқаради. Шунинг учун у Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан касбий онкологик касалликларни келтириб чиқарадиган канцероген моддалар рўйхатига киритилган. Шунга қарамай, «...радиация иншоотлари сони йилига 10% га, уларда фаолият юритувчилар сони эса 4% га кўпаймоқда...»². Бу эса нурланиш муаммоси нафақат радиобиологик, балки тиббий-ижтимоий муаммолигини ва унинг ечимини топиш долзарб вазифа эканлигини кўрсатади.

Жаҳон миқёсида эркаклар репродуктив тизими аъзолари, жумладан, уруғдонларда турли физик омиллар таъсири натижасида юзага келадиган касалликларни эрта босқичда ташхислаш, даволаш, ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада эркаклар организмнинг патологик ўзгаришларига олиб келувчи ионлаштирувчи нурланиш миқдорини аниқлаш; нурлантирувчи манбалар билан ишловчи ишчилар саломатлигининг назорат тизимини ишлаб чиқиш; ушбу шахсларда бепуштлиқ ва ўсмалар келиб чиқиши ва ривожланиш хавф даражасини аниқлаш; нурланиш таъсирини камайтирувчи дори воситаларининг таъсир механизмларини ўрганиш илмий тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Узоқ муддатли ионлаштирувчи нурланишдан сўнг ривожланадиган сурункали нур касаллигида уруғдонлар морфофункционал ҳолатини баҳолаш, биостимуляторларни турли даврий оралиқларда қўллаганда уруғдонларнинг морфометрик ва морфологик кўрсаткичларини қиёсий таққослаш ва шу орқали профилактика, ташхислаш ва даволашнинг оптимал алгоритминини ишлаб чиқиш соҳа олимлари олдида турган долзарб муаммолардан бири саналади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш бўйича кўплаб мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва қулайлиги, соғлом турмуш тарзини қўллаб-

¹ Fainberg J, Kashanian JA. Recent advances in understanding and managing male infertility. F1000Res. 2019 May 16;8:F1000 Faculty Rev-670.

² Lee Y.J., Lee J.W., Jeong G.S. The increased use of radiation requires enhanced activities regarding radiation safety control // J Radiat Ind. – 2015. - №9 (2). – p. 103– 109.

қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш, шу жумладан тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, патронаж ва клиник текширувнинг самарали моделларини яратиш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш орқали комплекс тадбирларни амалга ошириш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу йўналишда репродуктив тизимнинг нурланиш таъсирида келиб чиқадиган касалликлари, хусусан, онкологик касалликларни даволаш сифатини оширишда ижобий натижаларга эришилган бўлсада, соҳа мутахассислари учун илмий асосланган янги даволаш усулларини ишлаб чиқиш талаб қилинмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилиш эса нурланиш натижасида ривожланаётган онкологик касалликлардан ўлим даражасини камайтириш имконини яратиб, замонавий тиббий хизмат сифатини, диагностика қилиш ва даволашни янги даражага кўтариш, замонавий технологиялардан фойдаланишни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уруғдонлар тузилиши билан боғлиқ репродуктив тизимга бағишланган тадқиқотларда нур касаллиги фонида уруғдонлар тўқимаси структур элементларининг жойлашуви, цитологик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас. Ҳозирги даврда организмга ижтимоий-экологик омилларнинг таъсирини камайтириш учун метаболизм ва иммунитетни коррекциялашда биологик фаол моддаларни ишлатиш масаласи кўриб чиқилмоқда (Завгородний И.В., 2016).

Биоген стимуляторлар ва адаптогенлар организмнинг жисмоний ва эмоционал зўриқишларга қаршилигини кучайтиради. Кўплаб ўсимликларда мавжуд биологик актив бирикмаларнинг кенг спектрли таъсири организмга умумий соғломлаштирувчи таъсири билан биргаликда специфик фармакологик таъсир кўрсатади (Куркин В.А., 2010). АСД 2-фракцияси биоген келиб чиқишга эга стимуляторлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. У қабул қилиниш усулидан (энтерал ёки парентерал) қатъий назар, организм ҳаётий функцияларининг кучли стимулятори ҳисобланади (Самуйленко А.Я., 2016). Маҳаллий қўлланилганда антисептик таъсири устунлик қилади

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони

(Белоусова Т.А., 2014). Ушбу препаратнинг кўп томонлама таъсири метаболик цикллари яхшилаш орқали моддалар алмашинуви ва оксидланиш-тикланиш жараёнларини тезлаштиришдан, қон кислоталилигини камайтиришдан, юрак қон-томир ва нафас тизими фаолиятини нормаллаштиришдан иборат (Кирюткин Г., 2010). Мавжуд адабиётларни ўрганиш АСД препаратининг репродуктив тизим, айнан уруғдонлар фаолиятига таъсири тўғрисида маълумотлар камлигини кўрсатган (Нарижный А.Г., 2012).

Республикада ифлосланишнинг турли омилларини ҳар хил аъзо ва тизимларга, шу жумладан, репродуктив тизимга таъсири ўрганилган (Каримов Х.Я., 2007-2011; Тен С.А., 2007-2010; Тешаев Ш.Ж., 2007-2012). Нурланишнинг репродуктив тизимга таъсирини ўрганиш амалий тиббиётнинг муҳим вазифаси саналади, бу эса нурланишнинг таъсир механизмларини ўрганиш ва радиацион зарарланишларнинг профилактикаси ва давоси усулларини излашга бағишланган кўплаб ишлар бажарилаётганида ўз исботини топмоқда. Бироқ, сурункали нур касаллигида оқ зотсиз каламушлар уруғдони тузилишининг морфометрик кўрсаткичларининг постнатал онтогенездаги ёшга боғлиқ қиёсий тавсифи ва АСД-2ф биостимулятори таъсиридаги ўзгаришлари деярли ўрганилмаганлиги тасдиқланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 05.2019 PhD 042 «Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017-2021 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади уруғдонларнинг морфофункционал хусусиятлари ва нур касаллигида биостимулятор таъсиридаги ўзгаришларини ёшга боғлиқ ҳолда аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

оқ зотсиз каламушлар уруғдонининг ёшга боғлиқ ҳолда анатомик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларни сурункали нур касаллиги ва АСД-2ф биостимулятори таъсиридаги жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан таққослаш;

сурункали нур касаллиги ва АСД-2ф биостимулятори таъсирида уруғдонларнинг кўкс оралиғи, бўлакчалараро тўсиқларнинг мавжудлигига эътибор берган ҳолда, оқ зотсиз каламушлар уруғдонининг турли ёш даврларида микроскопик тузилишини баҳолаш;

сперматоген эпителий, бурама уруғ найчалари диаметри ва унинг кўндаланг кесими майдони, сперматогенез индексини тажрибада ёшга боғлиқ ҳолда баҳолаш;

сурункали нур касаллигида ва АСД-2ф биостимуляторини қўллаганда оқ зотсиз каламушлар уруғдонининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини қиёслаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро давлат тиббиёт институтининг экспериментал тадқиқотлар лабораториясидаги 3 кунлик ва 3, 6, 9, 12 ойлик 210 та зотсиз оқ эркак каламушлар олиниб, улар 4 гуруҳга ажратилган: назорат, сурункали нур касаллиги таъсиридаги, нурланиш билан бир вақтда АСД-2ф биостимуляторини қабул қилган ва нурланишдан кейин АСД-2ф биостимуляторини қабул қилган оқ зотсиз каламушлар.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тажриба остидаги оқ зотсиз каламушлар уруғдонининг турли қисмларидан олинган гистологик материаллар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тажрибавий, гистологик, морфологик, морфометрик, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали нур касаллиги таъсирида бурама уруғ найчаларининг диаметри ва кўндаланг кесимининг кичрайиши, уруғдонлар анатомик кўрсаткичларининг постнатал онтогенезда орқада қолиши исботланган;

сурункали нур касаллигига чалинган оқ зотсиз каламушлар жинсий ривожланишдан орқада қолиши, сперматоген қатор хужайралар сонининг ўзгариши ва бурама уруғ найчаларининг бўшлиғи очилиши кечикиши исботланган;

нурлантирилган оқ зотсиз каламушларда репродуктив тизимда чуқур ўзгаришлар юзага келиши, артериола ва венулалар ўлчамларининг кичрайиши, улар сонининг камайиши исботланган;

организм ҳимоя механизмларининг тикланиши ҳисобига 360 кунлик даврда уруғдонлар морфометрик кўрсаткичларининг меъёрий кўрсаткичларга яқинлашиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган маълумотлар ёшга боғлиқ ҳолда уруғдонлар структур ўзгаришларининг эҳтимолий асоратларининг олдини олиш, патогенетик даволаш ва сурункали нурланиш таъсирида морфометрик ўзгаришлар даражасини аниқлашда аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

уруғдонлар макро ва микроскопик тузилишининг патоморфологик ўзгаришларининг эрта диагностикаси ва Дорогов антисептик-стимулятори 2 фракцияси ёрдамида иммун коррекцияси асосланган;

тадқиқот натижаларининг назарий-фундаментал аҳамияти исботланган бўлиб, улардан радиобиология, анатомия, гистология ва бошқа морфологик фанлар бўйича маърузаларда фойдаланиш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, тадқиқотда замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тажрибавий, морфометрик, лаборатор ва статистик текширув усулларида фойдаланилганлиги, сурункали нур касаллиги ва АСД-2ф биостимулятори таъсиридаги уруғдонлар морфофункционал хусусиятларини баҳолаш бўйича натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан

таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти организмда турли ёш даврларида патоген омиллар таъсирида юзага келадиган репродуктив жараёнларнинг мураккаб механизмлари очиб берилганлиги, уруғдонлар гистотопографияси ва унинг структур ўзгаришлари тўғрисидаги назарий билимлар даражасини кенгайтиришга имкон бериши ва илмий тадқиқотнинг турли соҳаларида қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нурлантирилган ҳайвонлар уруғдонларининг морфометрик ўзгаришларининг асосий принциплари аниқланганлиги, олинган маълумотлар сурункали нур касаллигини эрта ташхислаш сифатининг яхшиланиши, прогнозлаш усуллари ва илмий асосланган самарали даволаш тактикасини ишлаб чиқишга қўмаклашиши, ўз навбатида, илмий лабораторияларда сурункали нурланиш таъсирида репродуктив тизим касалликлари бор беморларни ўрганишда тажриба модели, тиббиёт олийгоҳлари ўқув жараёнида анатомия, гистология, патологик анатомия, радиобиология ва гинекология фанларидан маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар олиб боришда, талабалар мустақил ишларида янги ахборот манбаси сифатида фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали нур касаллиги ва АСД-2ф биостимулятори таъсиридаги уруғдонлар морфофункционал кўрсаткичларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сурункали нур касаллиги фонида биостимулятор таъсирида уруғдонлар тузилиш ўзгаришларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сурункали нур касаллиги фонида биостимулятор таъсирида уруғдонлар тузилиш ўзгаришларини аниқлаш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 26 ноябрдаги 8н-д/206-сон хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали нурланиш вақтида ва АСД-2ф биостимулятори таъсирида уруғдонларда кузатиладиган структур ўзгаришларни аниқлаш имконини берган;

сурункали нур касаллигида ва меъёрда уруғдонлар морфологик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сурункали нур касаллигида ва меъёрда уруғдонлар морфологик кўрсаткичларини аниқлаш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 26 ноябрдаги 8н-д/206-сон хулосаси). Ушбу услубий тавсиянома сурункали нурланиш таъсирида пайдо бўлиши мумкин бўлган асоратлар олдини олиш ва ўз вақтида даволаш алгоритмининг тузилиш имконини берган;

сурункали нур касаллиги ва АСД-2ф биостимулятори таъсиридаги уруғдонларнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика Шошинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали,

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали амалий фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги 8 н-з/195-сон маълумотномаси). Илмий иш натижаларининг амалиётга жорий қилиниши касалликнинг эрта ташхисланиши, унинг ривожланиш даражаси, асоратлар камайиши, беморлар ҳаёт сифатининг яхшиланишига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Турли таъсирлар остида уруғдонларнинг морфофункционал хусусиятларига замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Маҳаллий ва хорижий олимларнинг энг замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Сўнгги йилларда илмий манбаларда нашр этилган, уруғдонларнинг морфометрик параметрлари, уларга атроф-муҳит омилларининг таъсири, шунингдек, уруғдонларнинг структур элементларига нурланишнинг таъсири ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган адабиётлар шарҳи тақдим этилган. Радиопротекторларнинг, шу жумладан, антисептик-стимулятор АСД-2 фракциясининг одам ва ҳайвонларнинг айрим органларига таъсири тўғрисидаги адабиётлар таҳлили берилган.

Диссертациянинг **«Нормада, сурункали нурланиш касаллигида ва АСД-2ф биостимулятори билан коррекция таъсирида уруғдонларнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш методологияси»** деб номланган иккинчи бобида ўтказилган экспериментал

тадқиқотлар ва уларда фойдаланилган материаллар, шунингдек, ишлатилган микроскопик, морфометрик ва статистик тадқиқот усуллари ҳақида маълумотлар баён этилган.

Экспериментал тадқиқот вивариумда 12 соатлик ёруғлик режимида сақланган, стандарт парҳез ва эркин сув истеъмоли имкониятига эга бўлган, туғилганидан 12 ойлигигача бўлган 210 та оқ зотсиз каламушларнинг уруғдонларидан олинган материалда ўтказилди. Таҷриба бошида барча жинсий этилган оқ зотсиз каламушлар бир ҳафта давомида карантинда сақланган ва соматик ёки юқумли касалликлар истисно қилингандан сўнг, улар одатий вивариум режимига ўтказилган. Ҳайвонлар 4 гуруҳга бўлинган (n = 210): I гуруҳ - назорат (интакт) (n = 69); II гуруҳ - 71 кундан бошлаб, 20 кун давомида 0,2 Гр (умумий доза 4,0 Гр) дозасида нурланиш олган оқ зотсиз каламушлар (n = 55); III гуруҳ - 0,2 Гр дозада (умумий дозаси 4,0 Гр) 71 кундан бошлаб, 20 кун давомида нурланиш олган ва бир вақтнинг ўзида 0,4 мл дистилланган сувда эритилган 0,1 мл АСД-2 препаратини олган оқ зотсиз каламушлар (n = 54); IV гуруҳ - 71 кундан бошлаб, 0,2 Гр дозасида (умумий дозаси 4,0 Гр) 20 кун давомида нурланиш олган ва 91 кундан бошлаб 20 кун давомида 0,4 мл дистилланган сувда эритилган 0,1 мл АСД-2 препаратини олган оқ зотсиз каламушлар (n = 32). Ушбу АСД-2 дозалари эмпирик тарзда ҳисоблаб чиқилган ва эритма сифатида ҳар куни интрагастрал юборилган.

Барча экспериментал гуруҳларда сурункали нурланиш касаллигини чақириш учун оқ зотсиз каламушлар нурлантирилган. Оқ зотсиз каламушларни нурлантириш 71 кунлик даврдан бошланган ва ДТГТ “АГАТ Р1” аппарати (Балтиец заводи, Нарва, Эстония, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, 1994 йилдан бери ишлайди, 2007 йилда қайта қувватланган, ҳажми 25,006 сГр/мин.) ёрдамида 90 кунлик давригача суткалик 0,2 Гр фракцион дозада (умумий дозаси 4,0 Гр) 20 кун давом этган. Назорат гуруҳининг оқ зотсиз каламушларига интрагастрал равишда 0,5 мл дистилланган сув металл найча билан 20 кун давомида юборилган.

Оқ зотсиз каламушлар эрталаб оч қоринга эфир наркози остида декапитация қилинган. Чанок бўшлиғи очилгандан сўнг уруғдонлар олинган ва уларнинг массаси, узунлиги, кенглиги, ҳажми ва тўқимаси зичлиги текширилган. Мояклар ҳар бирининг вазни электрон тарозида, узунлиги ва кенглиги миллиметрли лента билан ўлчанган.

Олинган уруғдонлар Буэн эритмасига қуйилган. Юқори концентрацияли спирт эритмаларидан ўтгач, улар парафин ичига сингдирилган, сўнгра улардан 6-7 мкм қалинликдаги кесмалар олд ёки сагиттал йўналтирилган ҳолда тайёрланган. Кесмалар Ван Гизон бўйича гематоксилин ва эозин билан бўялган. Гистологик намуналар NLCD-307В микроскопи остида текширилган (Novel, Хитой).

Бурама уруғ найчаларининг кўндаланг кесимлари диаметри - DN-107Т окуляр микрометри ёрдамида ўлчанган. Базал мембрананинг ички қисми ва жинсий хужайралар орасидаги чегарада жойлашган иккита қарама-қарши нуқта ўртасидаги энг қисқа масофа ўлчанган. Бурама уруғ найчаларининг

ўртача диаметрини баҳолаш учун уруғдоннинг тасодифий танлаб олинган қисмларининг турли зоналарида найчаларнинг думалоқ кўндаланг кесимлари танланган.

Гистологик препаратларда бурама уруғ найчаларининг ва Лейдиг интерстициал хужайраларининг морфометрик параметрлари аниқланган, бу учун уларнинг кўриш майдонидаги сони ҳисобланган ва хужайра ўлчамлари ўлчанган. Назорат гуруҳида олинган натижалар экспериментал гуруҳларнинг маълумотлари билан таққосланган.

Уруғдонларнинг микроциркулятор ўзани ўрганилган. Окуляр-микрометр ёрдамида қобик ости, бўлақлараро ва найчалараро артериолалар, венулалар ва капиллярларнинг диаметри ва девор қалинлиги ўлчанган.

Тадқиқот давомида олинган морфологик маълумотларга математик ишлов бериш тўғридан-тўғри Microsoft Office Excel 2010 дастурий таъминоти тўпламидан Pentium-IV персонал компьютерида IBM SPSS Statistics v.23 дастурининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда стандарт оғиш ва репрезентативлик хатоларининг қийматларини аниқлаш орқали амалга оширилган. Таққосланган қийматлар орасидаги фарқларнинг аҳамияти Стъудент t-критерияси ёрдамида баҳоланган. Тафовутлар $p \leq 0.05$ даражасида бўлганда статистик жиҳатдан аҳамиятли деб ҳисобланган.

Диссертациянинг «**Нормада ва нур касаллиги фонида биостимулятор таъсирида уруғдонларнинг қиёсий морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи боби тадқиқотда олинган натижаларга бағишланган.

Ёш аспектида оқ зотсиз каламушлар ва уларнинг уруғдонлари жисмоний ривожланишининг морфометрик кўрсаткичлари. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушларнинг тана вазни, тана узунлиги ва уруғдонлар вазни бутун ҳаёти давомида нотекис ва бир хил бўлмаган равишда катталашади. Назорат гуруҳида катта ёшга қадар (360 кун) тана вазни 56,7 марта, тана узунлиги эса 4,8 мартага катталашган. Тана вазни ўсиш суръатининг энг юқори даражаси 90 - (2036%) ва 180 кунлик (104,4%) даврда, энг паст ўсиш суръати - 360 (11,0%) ва 270 (17,1%) кунлигида кузатилган. Тана узунлиги ўсишининг юқори даражаси 90 (236,4%) ва 180 (18,9%) кунлигида, энг паст кўрсаткич - 360 (6,6%) ва 270 (12,5%) кунлигида қайд этилган.

Янги туғилган оқ зотсиз каламушларда уруғдонлар оғирлиги ўртача $0,02 \pm 0,0007$ г. ни ташкил қилган. 12 ойлик даврда бу кўрсаткич 66 бараварга кўпайган ($1,32 \pm 0,015$). Уруғдонларнинг узунлиги ва қалинлиги мос равишда 7.06 ва 7.14 мартага, ҳажми эса 332 мартага ошган. Вояга етгунга қадар, бурама уруғ каналчаларининг бўшлиғи ёпиқ бўлиб, сперматоген эпителий ва трофик хужайралараро моддалар билан тўлган. Жинсий балоғатга етганда, сперматозоидлар ҳаракатланиши учун бурама уруғ каналчаларининг бўшлиғи очилади, шунинг учун уруғдонлар тўқимасининг зичлиги пасайган.

Жинсий етукликка қадар оқ зотсиз каламушлар тана вазнининг ва уруғдонлар вазнининг ўсиш тезлигини таққослаш шуни кўрсатдики, назорат

гуруҳидаги ҳайвонларда уруғдонлар вазни (66 марта) тана вазнидан (56,7 марта) деярли 1,16 баравар тезроқ катталашган.

Сурункали нурланиш таъсирида бўлган оқ зотсиз каламушларда 360 кунликча тана вазни 52,2 баравар ($261,1 \pm 2,161$ г), тана узунлиги эса 4,43 марта ($19,5 \pm 0,225$ см) катталашган. Тана вазни ўсишининг энг юқори даражаси 90 (1922%) ва 180 кунлик (77,2%) даврда, энг пасти - 360 (18,8%) ва 270 кунлик (22,7%) даврларда кузатилган. Тана узунлигининг энг юқори ўсиш даражаси 90 - (218,2%) ва 270 кунлик (16,0%) даврларида, энг кичиги - 180 (7,1%) ва 360 (12,1%) кунлик даврларида қайд этилган. Тажрибада ривожланишнинг 360 кунигача бўлган оқ зотсиз каламушлар уруғдонларининг оғирлиги 60 баробар ($1,20 \pm 0,023$ г), узунлиги - 6,4 баробар, кенлиги - 6,5 марта, мойклар ҳажми - 269 марта ошган.

Тажрибада - нурланиш вақтида АСД-2 ф. препарати юборилганда оқ зотсиз каламушлар тана вазни вояга етгунча 53,9 мартага ($269,6 \pm 2,570$ г), тана узунлиги эса 4,6 мартага ($20,2 \pm 0,191$ см) ошган. Тана вазни ўсишининг энг юқори даражаси 90 - (1970%) ва 180 кунлик (85,6%) даврида, энг паст суръати - 360 - (17,2%) ва 270 кунлик (19,8%) даврида кузатилган.

Тана узунлигининг энг юқори ўсиш даражаси 90 - (225,0%) ва 270 кунлик (15,9%) даврида, энг кичиги - 180 (9,8%) ва 360 (11,0%) кунлик даврида қайд этилган.


Ушбу экспериментал гуруҳнинг оқ зотсиз каламушларида катта ёшга қадар (360 кун) уруғдонлар вазни 62,0 баравар ($1,24 \pm 0,013$ г), уруғдонлар узунлиги - 6,6 марта, уруғдонлар кенлиги - 6,7 марта ўсган. Бу вақт ичида уруғдонлар ҳажми 294 мартага катталашган.

Нурланишдан сўнг АСД-2 ф. олган оқ зотсиз каламушларда, 360 кунлик давригача тана вазни 53,1 марта ($265,3 \pm 2,089$ г), тана узунлиги 4,5 баравар ($19,8 \pm 0,286$ см) га ошган. Вазн ошишининг энг юқори даражаси 270 кунликда (20,0%), энг пасти 360 кунлик даврида (17,8%) кузатилган. Тана узунлигининг энг юқори ўсиш даражаси 270 (15,6%) кунлик даврида, энг пасти 360 (11,2%) кунликда қайд этилган. Тажрибада 360 кунлик давригача уруғдонлар массаси 61 баравар ($1,22 \pm 0,020$ г), узунлиги - 6,55 марта, кенлиги - 6,61 марта, мойклар ҳажми эса 282 мартага катталашган.

Тажрибадаги барча гуруҳларда уруғдонларнинг анатомик кўрсаткичлари назорат гуруҳидан орқада қолган. Сурункали нурланиш таъсирида бўлган ҳайвонларда уруғдонлар вазни назорат гуруҳидан 9,1% (1-расм), уруғдонлар узунлиги ва қалинлиги 8,7% га, ҳажми эса 18,9% га орқада қолган. Нурланиш билан параллел равишда АСД-2 ф берилган оқ зотсиз каламушларда уруғдонлар оғирлиги 6,1%, узунлиги ва қалинлиги 5,8%, ҳажми эса 11,4% ортда қолган. Худди шу кўрсаткичлар 3-тажриба гуруҳида (АСД-2 ф. нурланишдан кейин берилган) мос равишда 7,6%, 7,1 ва 15,1% га ортда қолган.

Ёш аспектида уруғдонларнинг нормада, нурланиш ҳамда АСД-2 таъсирида структур ўзгаришлари. Янги туғилган оқ зотсиз каламушларда кўкс оралиғи уруғдонлар паренхимасининг марказида жойлашганлиги

аниқланган. Бундан ташқари, уруғдонлар тўқимасини бир нечта бўлакчаларга ажратадиган тўсиқларнинг заиф ривожланиши аниқланган. Уруғдонларнинг оралиғида коллаген толалари тўпламлари турли йўналишларда йўналган ва ретикуляр толалар кичик ҳалқали тармоқ ҳосил қилган. Уруғ каналчалари бу найчалар тизимидир, унинг деворлари ички томондан сперматоген эпителий билан қопланган. Уруғ найчаларининг диаметри янги туғилган даврдан ($47,9 \pm 1,328$ мкм) 360 кунгача ($238,6 \pm 4,874$ мкм) 4,98 мартага, уларнинг кўндаланг кесимининг майдони эса 24,3 мартага ($44690,2 \pm 903,05$ мкм²) катталашган.




1-расм. Турли ёш кесимида назорат ва тажриба гуруҳидаги оқ зотсиз каламушларнинг уруғдонлари вазнининг ўзгариши (г).

Тажрибада - нурлантирилган оқ зотсиз каламушларда янги туғилган даврдан бошлаб ($47,9 \pm 1,328$ мкм), уруғ найчаларининг диаметри ривожланишнинг 360 кунгача ($216,2 \pm 1,976$ мкм) 4,51 баравар ошган ва уларнинг кўндаланг кесимининг майдони $1835,4 \pm 67,23$ дан $36692,8 \pm 573,29$ мкм² гача катталашган (2-расм).


Жинсий балоғатга етиш даврида (90 кунлик) бурама уруғ найчаларининг диаметри назорат гуруҳига нисбатан 9,3% га орқада қолган ва уларнинг кўндаланг кесимининг майдони 11,5% га ортда қолган, катта ёшда (360 кунлик) худди шу кўрсаткичлар мос равишда 9,4% ва 17,9% га ортда қолган. Бу шуни кўрсатадики, уруғдонларнинг анатомик кўрсаткичларига таъсир қилувчи сурункали нурланиш касаллиги бурама уруғ найчаларининг ҳам морфометрик параметрларининг орқада қолишга олиб келган.

2-тажриба гуруҳида бурама уруғ найчаларининг диаметри 360 кунгача ($223,8 \pm 2,846$ мкм) 4,67 мартага, уларнинг кўндаланг кесими майдони эса 21,4 мартага ($39317,7 \pm 695,81$ мкм²) ошган. Нурланишдан кейин АСД-2 ф

қабул қилган оқ зотсиз каламушларда шу кўрсаткичлар мос равишда 4,62 ва 20,9 мартага катталашган (3-расм).



2-расм. Сурункали нур касаллиги чақирилган ва назорат гуруҳидаги 90 кунлик оқ зотсиз каламушларнинг уруғдонлари. 1 – бурама уруғ найчалари. 2 – найчалараро бўшлиқлар. Гематоксилин-эозин билан бўялган.



3-расм. Турли ёш кесимида назорат ва тажриба гуруҳидаги оқ зотсиз каламушларнинг бурама уруғ найчалари диаметрининг ўзгариши (мкм).


Янги туғилган оқ зотсиз каламушларда сперматоген эпителийнинг баландлиги ўртача $12,1 \pm 0,586$ мкм ни ташкил қилган. Назорат гуруҳида сперматоген эпителийнинг 360 кунлик давргача бўлган баландлиги 6,1 мартага ($73,4 \pm 1,923$ мкм) ошган. Сперматоген эпителий баландлиги ўсишининг энг юкори даражаси 90 - (335,5%) ва 180 - (18,2%) кунлик даврларда, энг пасти - 360 (6,4%) ва 270 (10,8%) кунлик даврларида кузатилган.

1-тажриба гуруҳида сперматоген қатлам баландлигининг энг юқори ўсиш даражаси 90 (300,0%) ва 270 (14,3%) кунлик даврга, энг пасти 180 (9,7%) ва 360 (11,0%) - кунларга тўғри келган. Фақатгина нурланиш таъсирида бўлган оқ зотсиз каламушларнинг 360 кунлик даврида сперматоген эпителийнинг баландлиги янги туғилган даврга нисбатан 5,56 баробар ошган, аммо барибир, назорат гуруҳига қараганда ўсиш кўрсаткичи 1,1 баравар кам.

АСД-2 ф таъсирида (нурланиш пайтида) 360 кунликка қадар сперматоген эпителийнинг қалинлиги 5,73 мартага ошган. Ушбу гуруҳда ҳам назорат гуруҳидаги каби ўсишнинг энг юқори даражаси оқ зотсиз каламушлар ривожланишининг 90 (304,9%) ва 180 (15,1%) - кунларида, энг кичиклари 360 - (9,1%) ва 270 - кунларида (12,6%) кузатилган (4-расм).

Тажрибада нурланишдан кейин АСД-2 ф берилган гуруҳдаги оқ зотсиз каламушларда 360 кунгача сперматоген эпителийнинг қалинлиги 5,68 баробар ошган, аммо назорат гуруҳига қараганда камроқ.

Сперматоген эпителий таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, агар янги туғилган даврда, асосан, сперматогониялар бўлса, ундан кейин аста-секин сперматоцитлар, сперматидлар пайдо бўлган. Ривожланишнинг 90-кунида деярли барча найчаларда етук сперматозоидларни кўриш мумкин.



4-расм. Турли ёш кесимида назорат ва тажриба гуруҳидаги оқ зотсиз каламушларнинг бурама уруғ найчалари сперматоген эпителийси қалинлигининг ўзгариши (мкм).

Барча тажриба гуруҳларида сперматогенез жараёни сусайган, бу фақатгина сурункали нурланиш таъсирида бўлган гуруҳда, АСД-2 ф. кўшилган бошқа гуруҳларга қараганда кўпроқ сезилган.

Нурланиш таъсирида 90 кунлик оқ зотсиз каламушларда кам сонли етук сперматозоидлар пайдо бўла бошлаган. АСД-2 ф таъсирида эса уруф найчаларида анча кўпроқ етук сперматозоидларни кўриш мумкин.

Назорат гуруҳидаги 12 ойлик оқ зотсиз каламушларда қуйидаги ҳолат кузатилган: сперматогония ҳажми ўртача 11,6 мкм га етган, сперматоцитлар ва сперматидларнинг ўртача ҳажми мос равишда 16,8 ва 11,0 мкм га тенг бўлган. Бошқа гуруҳларда бу ҳужайралар ўлчами қуйидагича орқада қолган: 7,7%, 7,1%, 6,4% (сурункали нурланиш касаллиги); 5,2%, 5,4%, 4,5% (нурланиш пайтида АСД-2 қабул қилган); 6,0%, 6,5%, 5,5% (нурланишдан кейин АСД-2 қабул қилган).

Найларао бўшлиқда гландулоцитлар - Лейдиг ҳужайралари мавжуд. Назорат гуруҳида вояга етгунга қадар уларнинг сони 14,6 баравар кўпайган ($1,87 \pm 0,215$ дан $33,5 \pm 0,675$ гача), 12 ойлик даврга қадар эса, 20,3 баравар кўпайган. Энг юқори ўсиш даражаси 90 кунликда, энг пасти эса 360 кунлик даврда кузатилган. Учала экспериментал гуруҳда Лейдиг ҳужайралари мос равишда 1,09, 1,06 ва 1,07 марта назорат гуруҳидагидан кам. Назорат гуруҳидаги 90 кунлик оқ зотсиз каламушларда Лейдиг ҳужайралари сонининг кескин кўпайиши балоғат даври бошланишини кўрсатган.

Назорат гуруҳида Лейдиг ҳужайралари ўлчами 360 кунликка қадар 1,62 марта катталашган. Ушбу кўрсаткич барча учала тажриба гуруҳларида назорат гуруҳи билан таққослаганда мос равишда 8,3%, 5,8% ва 6,7% га орқада қолган.

Сичқонларда уруғдоннинг қон билан таъминланишида фақат мояк артерияси иштирок этади (*a. testicularis*), у мояк ичига кирганда кичикроқ диаметрли артерияларга ажралади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, каламуш уруғдонларининг сагиттал кесимида *tunica albuginea* остида жойлашган 5 дан 12 гача артериялар кўринган, мояк ортиғига қарама-қарши томонда эса қобиқ ости артериялар кўринган. Катта ёшда уларнинг диаметри $158,7 \pm 0,460$ мкм га етган. Ушбу артериолалар транспорт артериолаларига мос келади. Мояк тўқимаси таркибида 3 дан 5 тагача бўлақларо артериолалар бўлиб, улар қобиқ ости артериолалари каби ўлчамга эга. Ушбу артериолалардан ташқари, найчаларо бўшлиқда найчаларо артериолалар жойлашган бўлиб, уларнинг диаметри аввалги артериолаларга қараганда анча кичик ва катта ёшда ўртача $37,8 \pm 0,412$ мкм ни ташкил қилган. Турли хил ёш гуруҳидаги оқ зотсиз каламушларда қобиқ ости артериолалар диаметридаги ўзгаришларни ўрганиб чиқиб, янги туғилган даврдан бошлаб, 360 кунлик ривожланишгача унинг ўсиши деярли 3,46 бараварни ташкил этганини кўриш мумкин. Ёш градациясида бурама уруғ найчалари диаметрининг катталаниши қобиқ ости артериолалар диаметрининг ҳам параллел ўсишига олиб келган. Дастлаб, ўлчамнинг бир хил ўсиши содир бўлган, сўнгра уруғ найчаларининг диаметри артериолаларга қараганда тезроқ ўсган.

Диссертант тадқиқотларида биостимуляторнинг нурланишдан кейин, ишлатилишида сезиларли ижобий ўзгариш кузатилмаган, ушбу тажриба

бошқа тажрибалардан фарқли ўлароқ, сурункали нурланиш фонида амалга оширилганини ҳам эътиборга олиш зарур.

АСД-2 сурункали нурланиш касаллигида иммун стимулловчи таъсирга эга бўлиб, унинг бу таъсирини сперматоген эпителийнинг қалинлиги, сперматоген қатордаги хужайралар сонининг кўпайиши ва бурама уруғ найчаларининг диаметри ошиши шаклида қайд этиш мумкин.

Муаллиф тадқиқотлари натижаларига кўра, каламуш организмга энг кўп физиологик таъсир кўрсатадиган ушбу препаратнинг оптимал дозаси сурункали нурланиш фонида бир вақтнинг ўзида АСД-2 фракциясини 0,1 мл дозада соф шаклда қўллаш эканлиги аниқланган.

Шундай қилиб, диссертант тадқиқотлари шуни кўрсатдики, моякларнинг морфометрик параметрлари (узунлиги, қалинлиги, ҳажми) ёшга қараб нотекис ўсиб борган.

Тананинг массаси ва узунлигини мояклар ҳажми ва массасининг ўсиш суръати билан таққослаш шуни кўрсатдики, мояклар ҳажмининг ошиши билан оқ зотсиз каламушларнинг вазни бўйидан кўра кўпроқ ошган. Тана вазни мояклар вазнидан 1,2 марта ортда қолган.

Микроскопик текшириш шуни кўрсатдики, янги туғилган каламуш уруғдонларида унинг паренхимаси марказида жойлашган уруғдон кўкс оралиғи топилган. Уруғдон тўқимасини бир нечта бўлақларга ажратадиган кучсиз ривожланган тўсиқлар аниқланган, сўнгра кўкс оралиғи йўқолган ва унинг ўрнида бурама уруғ найчалари пайдо бўлган. Сурункали нурланиш таъсирида балоғатга етиш ва сперматогенез жараёни кечиккан, бу сперматоген эпителий қалинлигининг камайиши, сперматогенез индексининг пасайиши, бурама уруғ найчалари бўшлиғининг кеч очилиши, уруғдон тўқималарининг юқори зичлиги ва етук сперматозоидларнинг кеч пайдо бўлиши ёки уларнинг тўлиқ йўқлиги билан тасдиқланган.

Диссертант томонидан олинган маълумотлар сурункали нурланиш касаллигининг уруғдонлар параметрларига, шубҳасиз, салбий таъсирини исботлаган, бу оқлик парда қалинлигининг пасайиши билан намоён бўлган. Сурункали нурланиш касаллиги қобик ости артериолалар ва венулаларининг ўсиш суръатларига салбий таъсир қилган.

Иммуномодулятор шаклида АСД-2 фракциясидан фойдаланиш уруғдонларнинг морфометрик параметрларининг ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатган. Ушбу тадқиқотлар шуни исботлайдики, коррекция пайтида АСД-2 дозаси ва ишлатилиш вақти катта аҳамиятга эга.

Сурункали нурланиш касаллиги Лейдиг хужайраларининг сони ва ўлчамига салбий таъсир кўрсатган. 3 ойлик даврда сурункали нурланиш касаллигига чалинган оқ зотсиз каламушларда уларнинг миқдори назорат гуруҳига нисбатан деярли 1,09 барабар кам. Ёш катталашган сари фарқ аста-секин камайган ва 12 ойлигида 1,01 мартага етган.

Юқорида келтирилган натижалар АСД-2 фракциясининг энг яхши иммун корректор сифатида ишлатилиши препаратни қўллаш вақтига боғлиқлигини тасдиқлаган. Нурланиш пайтида АСД-2 фракциясининг 0,1 мл дозаси ишлатилганда уни нурланишдан кейин фойдалангандан кўра

яхшироқ натижа олинган. Сурункали нурланиш таъсирида оқ зотсиз каламушларнинг бурама уруғ найчаларининг диаметри ва кўндаланг кесими майдони камайган, бу сурункали нурланиш таъсиридан кейин уруғдонларнинг функционал фаоллиги пасайганлигидан далолат берган.

Эркак оқ зотсиз каламушлардаги нурланиш пайтидаги коррекциянинг нурланишдан кейинги коррекцияга нисбатан афзаллиги мавжуд: уруғдонлардаги сперматогенез жараёни фаоллашган, нурланишнинг салбий таъсири камайган. Шу билан бирга, ушбу ҳужайраларнинг шаклланиш тезлиги, фаоллиги ва морфологик кўрсаткичлари биостимуляторсиз, фақатгина сурункали нурланиш касаллиги таъсирида бўлган оқ зотсиз каламушлардаги кўрсаткичларга нисбатан юқори бўлган. Сурункали нурланиш касалликларида иммуностимулятор сифатида АСД-2 фракциясидан фойдаланиш, юқоридаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, қиммат иммуномодуляторлар сингари ижобий натижалар берган.

ХУЛОСА

«Уруғдонларнинг морфофункционал хусусиятлари ва нур касаллигида биостимулятор таъсиридаги ўзгаришлари» мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Назорат гуруҳида 12 ойлик давргача тана вазни 56,8 барабар, тана узунлиги эса 4,8 барабар катталашади. Оқ зотсиз каламушларнинг барча экспериментал гуруҳларида жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари назорат гуруҳидагига нисбатан орқада қолмоқда. Ўсиш суръатининг секинлашиши сурункали нурланиш касаллиги чакирилган, АСД-2 фракцияси билан коррекция қилинмаган оқ зотсиз каламушларда кўпроқ кузатилади.

2. Постнатал онтогенезда уруғдонларнинг вазни, узунлиги ва қалинлиги нотекис ва бир хил бўлмаган равишда ўзгариб туради. Тана вазни ва бўй узунлигининг ўсиш тезлигини уруғдонларнинг вазни ва ҳажми ўсиш суръати билан таққослаш шуни кўрсатдики, уларнинг ҳажми ошгани сари тана вазни бўй узунлигидан кўпроқ ортади. Уруғдонларнинг вазни тана вазнига нисбатан 1,16 барабар тез катталашади ва 90 кунлигида ўсишининг юқори даражаси қайд этилади. Тажрибада уруғдонларнинг барча анатомик кўрсаткичлари назорат гуруҳидагига нисбатан орқада қолмоқда.

3. Уруғдонларнинг морфологик тузилишларига салбий таъсир кўрсатадиган нурланиш барча морфометрик параметрлар, шу жумладан, оклик парда, сперматоген эпителий қалинлигининг ривожланишдан кечикишига олиб келади. Кечикиш 180 кунлик оқ зотсиз каламушларда яққол намоён бўлади, 360 кунлик оқ зотсиз каламушларда эса бу ҳолат камроқ сезилади. Бу организмнинг ҳимоя ва компенсатор механизмларининг фаоллашиши билан боғлиқ бўлиб, фаоллик АСД-2 ф қабул қилган гуруҳдаги оқ зотсиз каламушларда кўпроқ намоён бўлади.

4. Сурункали нурланиш касаллигида жинсий балоғатга етиш кечикади. Бу сперматогенез босқичларидаги бузилишлар, сперматоген қатор

хужайраларининг ўзгариши ва бурама уруғ найчаларининг бўшлиғи кеч очилиши билан намоён бўлади.

5. Назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушларда 90 кунлик даврида Лейдиг хужайраларида миқдорий ўзгаришлар кузатилади, яъни уларнинг сони кескин - 11,2 мартага ўсади. 12 ойликда бу кўрсаткич жинсий етук даврга нисбатан 1,4 баравар ошади. Шу ёшда барча тажриба гуруҳларида Лейдиг хужайраларининг сони, шунингдек, уларнинг диаметри назорат гуруҳидаги кўрсаткичларга нисбатан кичик. Аммо биостимуляторни ишлатиш ушбу кўрсаткичларни назорат гуруҳидаги қийматларга яқинлаштирди.

6. Сурункали нурланиш касаллиги уруғдонлар томирлари тизими ва бурама уруғ найчаларига салбий таъсир қилади, бу ерда артериолалар ва венулаларнинг, шунингдек, бурама уруғ найчалари диаметри нурланиш таъсирида назорат гуруҳи, АСД-2 ф ишлатилган гуруҳлар билан таққослаганда кўпроқ камаяди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

БАЙМУРАДОВ РАВШАН РАДЖАБОВИЧ

**МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ СЕМЕННИКОВ В
НОРМЕ И ПРИ ВОЗДЕЙСТВИИ БИОСТИМУЛЯТОРА НА ФОНЕ
ЛУЧЕВОЙ БОЛЕЗНИ**

14.00.02 – Морфология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

БУХАРА – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2.PhD/Tib829.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель Тешаев Шухрат Жумаевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты Курбонов Саид Сафарович
доктор медицинских наук, профессор
(Республика Таджикистан)

Расулов Хамидулла Абдуллаевич
доктор медицинских наук

Ведущая организация Винницкий национальный медицинский университет
им. Н.И. Пирогова (Украина)

Защита диссертации состоится «22» июня 2021 г. в 12³⁰ часов на заседании Научного совета DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Навои, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована № 023). Адрес: 200118, г. Бухара, проспект А.Навои, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «7» июня 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 8 от «7» июня 2021 года).



А.Ш. Иноятов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Н. Ачилова

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам

Н.А. Нуралиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По оценкам Всемирной организации здравоохранения «...9% семей во всем мире борются с проблемами фертильности, и именно мужской фактор является причиной 50% проблем...»¹. Мужское бесплодие имеет множество причин, начиная от генетических мутаций и заканчивая выбором образа жизни, влиянием разных химических и физических факторов. Среди них ионизирующее излучение имеет особую роль, так как оно классифицируется Международным агентством по изучению рака как канцероген 1 группы и внесено в список Международной организацией труда как канцерогенный агент, вызывающий профессиональные онкологические заболевания. Несмотря на это, «...количество радиационных объектов и количество их работников также увеличиваются примерно на 10 и 4% в год соответственно...»². Это ещё раз подчеркивает, что репродуктивное здоровье и связанные с ним аспекты является не только медицинской, но и социальной проблемой.

Во всем мире особое внимание уделяется исследованиям, направленным на улучшение раннего выявления, лечения и профилактики заболеваний мужской репродуктивной системы, в том числе семенников, вызванных различными физическими факторами. В связи с этим определить количество ионизирующего излучения, которое приводит к патологическим изменениям в мужском организме; разработка системы контроля здоровья работников, работающих с источниками излучения; определить уровень риска бесплодия и возникновения и развития опухолей у этих лиц; изучение механизмов действия препаратов, снижающих эффектов радиации остается приоритетом научных исследований. Оценка морфофункционального статуса семенников при хронической лучевой болезни после длительного воздействия ионизирующего излучения, сравнение морфометрических и морфологических характеристик этих органов при использовании биостимуляторов с разной периодичностью и, таким образом, разработка оптимального алгоритма профилактики, диагностики и лечения являются одними из приоритетных задач которые стоят перед учеными.

В нашей стране принимаются целенаправленные меры по кардинальному улучшению системы здравоохранения и качества медицинской помощи населению. Для этого обозначены ряд задач, в состав которых входят «...реализация комплексных мер, направленных на повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи, поддержке здорового образа жизни и профилактике заболеваний, в том числе путем формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения посредством создания

¹ Fainberg J, Kashanian JA. Recent advances in understanding and managing male infertility. F1000Res. 2019 May 16;8:F1000 Faculty Rev-670.

² Lee Y.J., Lee J.W., Jeong G.S. The increased use of radiation requires enhanced activities regarding radiation safety control // J Radiat Ind. – 2015. - №9 (2). – p. 103– 109.

эффективных моделей патронажа и диспансеризации...»³. Несмотря на то, что были достигнуты положительные результаты в улучшении качества лечения радиационно-индуцированных заболеваний репродуктивной системы, в частности онкологических заболеваний, существует необходимость в разработке новых научно обоснованных методов лечения для специалистов в данной области. Решение поставленных задач позволит снизить заболеваемость и смертность в результате осложнений онкологических заболеваний, развивающихся в результате облучения, повысит качество современных медицинских услуг на новый уровень при диагностике и лечении заболеваний, а также совершенствует применение современных технологий в оказании качественных медицинских услуг.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, отраженных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» и в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В исследованиях, посвященных репродуктивной системе, ассоциированной с тканями семенников практически отсутствуют сведения о локализации, структурной организации и цитологических особенностях ткани семенников на фоне лучевой болезни. Для того чтобы уменьшить влияние социально-экологических факторов на организм, в данное время актуализируется вопрос получения биологически активных веществ для коррекции метаболизма и иммунитета (Завгородний И.В., 2016).

